


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 14 январь, № 9 (6444) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 24 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Биз чорак аср мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур ўйланган ислоҳотлар дастурини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон бугунги кунда профессионал тайёргарликка эга бўлган, яхши таъминланган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифаларни самарали адо этиш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Мамлакатимизнинг замонавий Қуролли Кучларини ташкил этишда ҳарбий қурилиш соҳасига принципиал жиҳатдан янгича ёндашувнинг ишлаб чиқилгани кўп жиҳатдан ҳал қилувчи омил бўлди. Бу ёндашув эски, ўз умрини ўтаб бўлган, бир қолипдаги қарорлардан бутунлай воз кечиш, эҳтимол тутилган ҳарбий ҳаракатлар театри ҳамда яқин ва узоқ ён-атрофимизда шиддат билан ўзгариб бораётган вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, шунингдек, хорижий давлатларнинг тажриба ва ютуқларини амалий жиҳатдан пухта ўзлаштиришга асосланганини таъкидлаш лозим.

Бугун биз, миллий армиямиз тарихий ва миллий анъаналаримизни сақлаган ҳолда, ҳарбий қурилиш ва ҳарбий санъат соҳасида дунёдаги энг яхши тажрибаларни ўзлаштириб, чегараларимиз хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди, деб ғурур билан айта оламиз. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг таянчи ва суянчи бўлган замонавий ҳарбий хизматчилар тимсолида биз, авваламбор, чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятга, ўз муқаддас ҳарбий бурчини бажариш йўлида қатъий ирода ва мустаҳкам тайёргарликка эга бўлган, она-юртимизга садоқатли, мард ва фидойи инсонларни кўрамиз ва улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Қадрли дўстлар!

Биз яшаётган бугунги замон ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини барчамиз ўзимизга доимо яхши тасаввур қилганмиз ва тасаввур қиламиз. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида вазият қандай тез ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол тобора кескин тус олаётгани, турли қарама-қаршиликлар, можаро ва қон тўкишлар кучайиб, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи ортиб бораётгани, яқин ён-атрофимизда давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар бизда чуқур ташвиш ва хавотир туйғусини уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Юзага келаётган ана шундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият барчамиздан юқори даражадаги огоҳликни сақлаш ва доимий тайёргарлик ҳолатида бўлишни, миллий армиямизни янада ислоҳ этишга қаратилган эътиборни кучайтиришни, уни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги самарасини оширишни, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашни талаб этади.

Шу муносабат билан бугунги кунда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайман.

**Биринчидан,** вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни, замонавий ҳарбий санъат соҳасидаги ютуқлар ва ҳарбий қурилиш борасида тўплаган тажрибамизни, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, миллий армиямизнинг ташкилий тузилиши ва жанговар таркибини, қўшинларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистонга қўшни минтақаларда вазият доимий равишда ўзгариб, таҳдидлар кучайиб бораётган, мамлакатимиз ҳудудига турли босқинчи тўдалар ва қўпорувчи гуруҳларнинг суқилиб кириш эҳтимоли истисно этилмаётган бир шароитда ҳарбий тузилмаларни, биринчи навбатда, хавф-хатар юқори бўлган операцион йўналишларда янада мустаҳкамлаш ва сафарбар этишга устувор аҳамият бериш зарур.

Айниқса, ўтказилаётган жанговар машғулотларга алоҳида эътибор қаратиш ва ушбу йўналишдаги принцип ва ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш, машғулотларни ҳар қайси ҳудуд ва минтақадаги мавжуд реал шароитга энг юқори даражада яқинлаштириш, эҳтимол тутилган душманнинг амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари хусусиятларини аниқлаш, қўмондонлик таркиби ва штабларни вазиятни ҳар томонлама баҳолаш ва асосланган қарорлар қабул қилишга ўргатиш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, қўшинларни тезлик билан бир жойдан бошқа жойга кўчириш масалаларини амалий машғулотларда синовдан ўтказиш, ҳар қайси ҳарбий хизматчининг қурол-яроғ ва техникани ишончли равишда ишлата олиши, жисмоний ва маънавий-руҳий жиҳатдан ўта оғир ва мураккаб вазиятларда ҳам мустаҳкам ирода ва матонат кўрсатиб, ўз вазифасини соғ-омон адо этиши учун уларнинг индивидуал малакасини мунтазам равишда ошириб бориш зарур.

Ана шу мақсадларга эришишда полигонларнинг тўлақонли фаолият юритишини ва улардан кенг фойдаланишни таъминлаш, бунинг учун уларнинг инфратузилма ва ўқув моддий-техник базасини ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги ишларни давом эттириш даркор.

**Иккинчидан,** Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини янада оширишга, махсус операциялар учун мўлжалланган кучлар, вертолётлар ва қўшимча равишда жалб этилган бошқа техникалардан фойдаланган ҳолда, душманнинг заиф нуқталарига зудлик билан шиддатли зарбалар бериш малакасини пухта эгаллашга имкон берадиган қурол-яроғ ва техникаларнинг энг янги турлари билан қўшинларни таъминлаш дастурларини босқичма-босқич амалга ошириш зарур.

**Учинчидан,** қўмондон ва сержант кадрлар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш масалаларига эътиборни бир зум ҳам сусайтирмаслик лозим. Бу борада ҳарбий хизматчиларимизнинг ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини узлуксиз ошириб бориши, хизматни ўташ ва жанговар фаолият давомида зарур бўладиган тажриба ва кўникмаларни эгаллаши учун барча имкониятларга эга бўлган Қуролли Кучлар Академияси, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўқув тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларни давом эттириш долзарб аҳамиятга эга.

Шулар қаторида миллий армиямизнинг замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан босқичма-босқич таъминланиши, унинг жанговар таркиби ва тузилишидаги ўзгаришлар, қуролли тўқнашувларнинг ўзгариб бораётган хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, мутахассисликлар таркиби, ҳарбий фанларни ўқитишнинг метод ва технологиялари ҳамда ўқув дастурлари рўйхатини доимий тарзда янгилаб, уларга аниқлик киритиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибининг малакасини янада ошириш, уларнинг чет тилларини эгаллаши, таълим жараёнларини ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириши ва ўқув ишларига энг янги ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда Қуролли Кучлар Академияси ва мамлакатимизнинг шу йўналишдаги бошқа таълим муассасаларида ҳарбий фанларнинг энг зарур ва долзарб йўналишлари бўйича дарс бериш учун хорижий давлатларнинг етакчи ҳарбий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари ўқитувчилари, эксперт ва мутахассисларини кенг жалб этиш борасидаги ишларимизни тизимли ва изчил асосда кучайтиришимиз керак.

**Тўртинчидан,** дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замонда, халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларига мутлақо зид бўлган, ёт ва бузғунчи ғояларни жамиятимиз ҳаётига турли йўллар билан сингдиришга қаратилган уринишлар кучайган, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллаш учун кескин кураш кетаётган бир шароитда, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматгача бўлган ёшдаги фарзандларимизни тарбиялаш ва уларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш борасидаги ишларнинг роли ва ўрни тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан таълим муассасалари, ҳарбий ва меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ёшларимиз қалбида Ватанга юксак муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга чуқур ҳурмат туйғуларини камол топтириш мақсадида ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни янада кучайтириш, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундай узоқ муддатга мўлжалланган, долзарб вазифаларни амалга оширишда Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ва тузилмалар, маданият, санъат ва спорт соҳаларининг кўзга кўринган намояндаларининг ўрни ва таъсири беқиёс, албатта.

Бундай ўта муҳим ишда расмиятчилик ва юзаки ёндашувлардан воз кечган ҳолда, оммавий ахборот воситалари ва интернетнинг миллий тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

**Бешинчидан,** ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тураржой, маиший ва тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича давлат дастурларини сўзсиз бажариш зарур. Юртимизда 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурлари доирасида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ, комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари нуфузини янада мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили, аввало, ҳарбий хизматни ўташ учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир.

Ҳурматли ватандошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа характерига эга эканини, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимиз биринчи навбатда мамлакатимизнинг давлат суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қаратилганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмайдиган давлат сифатида, ҳар томонлама чуқур ўйлаган ва тўлиқ англаган ҳолда, ўзи учун принципиал аҳамиятга эга бўлган муҳим йўлни танлаб олди ва шу йўлда қадам қўйди. Яъни мамлакатимиз тинчликсевар сиёсат олиб бориш, ҳарбий-сиёсий иттифоқ ва коалицияларга қўшилмаслик, ўз ҳудудида хорижий ҳарбий база ва объектларни жойлаштирмаслик, юртимиздан ташқарида бўладиган тинчликпарварлик операцияларида қатнашмаслик бўйича ўз позициясини аниқ-равшан белгилаб олди.

Бугунги байрам айёмида, авваламбор, ўзининг шарафли, олижаноб ва масъулиятли бурчини — Ватанни ҳимоя қилишдек буюк вазифани муносиб адо этаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига чин қалбдан ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Янги — 2016 йилда Қуролли Кучларимиз сафларида муқаддас бурчини бажариб келаётган сиз, мард ва ботир ўғлонларимизга — оддий аскар ва сержантларга, офицер ва генералларга Ватанга садоқат билан хизмат қилиш йўлида мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват ва катта муваффақиятлар, хонадонларингизга бахт ва фаровонлик тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.**

## 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



# ШАРАФЛИ, ОЛИЖАНОБ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ БУРЧ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ҳамда жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Байрам тадбирини Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ. Бердиев ўқиб эшиттирди.

Халқимиз тинчлиги ва осойишталигини асраб-авайлаш, турмуш фаровонлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Айниқса, бугун яқин ва узоқ атрофимизда кузатилаётган турли қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, тўқнашувлар, тобора кучайиб бораётган низо ҳамда адоватлар, қисқача айтганда, ғоят қалтис бир шароитда ушбу масала янада долзарб аҳамият касб этади. Бундан тўғри хулоса чиқариш, тинчликнинг нақадар улуғ неъмат эканлигини теран англаб, ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш, қўлга киритган улкан ютуқларимизни қадрлаш, мусаффо осмонимизни ҳимоялашга ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида айни мана шу жиҳатлар хусусида фикр юритар экан, жумладан, шундай деди: "Бундай ўта таҳликали вазиятда бизнинг олиб бораётган сиёсатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро қонун ва нормаларда муҳрлаб қўйилган асосий принципларга риоя қилиш, юзага келадиган қарама-қаршилик ва низоларни зўравонлик билан эмас, фақатгина тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этишни, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида давом этаётган уруш ва қон тўкиш ҳолатларини сўзсиз тўхтатишни назарда тутади.

Яна ва яна бир бор айтиб ўтишни зарур деб биламан: Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди. Ўзбекистон давлатининг қонуни даражасига кўтарилган бу тамойилларни, айни шундай чуқур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

(Давоми 2-бетда).

## Демократик кучлар блоки:

# БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ПИРОВАРД МАҚСАД

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик кучлар блокининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда экспертлар, Молия, Иқтисодиёт, Адлия вазирликлари, Марказий банк, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.



## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Маълумки, 2015 йилда иқтисодий, сиёсий, гуманитар ривожланиш ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги муҳим масалалар бўйича нуқтаи назарлари ҳамда дастурий мақсадлари яқинлигини инобатга олиб, шунингдек, мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятимизни демократик янгилаш вазифаларини самарали ижро этишдаги ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида ЎзЛиДеП ва "Миллий тикланиш" ДП фракцияларининг вакиллари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламент кўпчилигини ташкил қилувчи Демократик кучлар блокини тузиш ҳақида қарор қабул қилган эдилар. Блок аъзолари томонидан мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим масалалари муҳокама қилинаётгани эътиборга молик.

Йиғилишда амалдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган мазкур қонун лойиҳаси парламент қуйи палатаси депутатлари томонидан концептуал жиҳатдан маъқулланиб, ўтган йилнинг декабрь ойида биринчи ўқишда қабул қилинган эди.

Қайд этилганидек, республикамизда бухгалтерия ҳисоби тизими шаклланиши ва ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, улар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминламоқда. Бу мазкур соҳада яхлит тизимни ташкил қилиш вазифаларини самарали ҳал этиш имконини бераётир. Шу аснода бухгалтерия ҳисобининг 23 та Миллий стандарти, бухгалтерия ҳисоби алоҳида жиҳатларини тартибга соладиган 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат тасдиқланиб, рўйхатга олинган. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун доимий равишда такомиллаштириб борилди, шу жумладан, унга Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилинганлиги муносабати билан ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

(Давоми 2-бетда).



# ШАРАФЛИ, ОЛИЖАНОБ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ БУРЧ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Илгари ҳам айтганман — бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу — ўзбек халқининг истаги, бу — ўзбек халқининг мақсади, бу — ўзбек халқининг қароридир”.

Дарҳақиқат, биз шундай халқмиз. Ўзгаларга ҳам фақат яхшиликни раво кўрамиз. Бунёдкорлик, ободлик ҳаётимиз мазмунига айланган. Зеро, истиқлол йилларида юртимизда тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётимизни ривожлантириш, шаҳару қишлоқларимизда замонавий шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Эришаётган муваффақиятларимизда Қуролли Кучларимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки миллий армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолатидир.

Маълумки, Президентимизнинг 1991 йил 6 сентябрдаги Фармони билан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Кейинчалик давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ, Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

1992 йил 14 январь куни юртимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Ўша кундан эътиборан миллий армиямизга асос солинди.

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган кенг кўламли янгиланишлар туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга армия барпо этилди. Қуролли Кучларимизни ташкил қилиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими пайдо бўлди. Унинг сафини тўлдириш тизими такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётганлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг жорий этилгани бунинг тасдиғидир. Пировардида армиямизнинг қиёфаси, ҳарбий жамоалардаги маънавий муҳит тубдан ўзгарди.

Айтиш жоизки, ҳозирги замон ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликка, балки юксак ақл-идрок, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, ахборот-компьютер технологияларининг сир-асрорларини пухта ўзлаштиришни талаб этади. Ушбу мезонларга юртимиздаги ҳарбий қисмлар, сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнларида алоҳида эътибор берилаяпти. Хусусан, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетидан профессионал, назарий ва амалий билимларни пухта эгаллаган юксак салоҳиятли офицер кадрлар етишиб чиқаётгани ана шу жиҳатга алоҳида аҳамият қаратилаётгани самарасидир.

Шу ўринда 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси ташкил этилганига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур даргоҳ олий қўмондонлик таркибидаги офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, мудофаа қурилиши соҳасидаги илмий-амалий тадқиқот ҳамда ишланмаларни мувофиқлаштириш, юртимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш каби устувор вазифаларни шараф билан бажариб келмоқда.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати, миллий армиямизда ўз бурчини ўтаб қайтган фуқароларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун қатор қулайликлар яратилган. Хусусан, олий таълим муассасаларига ўқишга киришда уларга имтиёзлар белгилаб қўйилган, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётир. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси



Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқароларга республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл бериш жорий қилинган. Бундай ғамхўрлик уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Республикамизда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам доимий эътиборда. Замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ҳамда инфратузилмаларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари асосида 2015 йилда ҳам кўплаб ҳарбийларимиз кўркам уй-жойларга эга бўлди.

Маълумки, жорий йил Ватан ҳимоячилари куни юртимизда “Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!” шиори остида нишонланаяпти. Тегишли давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу мавзуда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятлар, олис қишлоқ ва маҳаллаларда кўплаб учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, очиқ эшиклар кунлари, видеомулоқотлар, фестиваллар ўтказилмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 12 январдаги Фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

— Ватан ҳимояси — муқаддас бурч, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири, “Мардлик” ордени соҳиби Улуғбек Абдуллаев. — Мана шундай тинч ва фаровон мамлакатнинг профессионал Қуролли Кучлари сафида эканлигимдан чексиз фахрланаман. Айни пайтда армиямизда дунёқараши кенг, икки-учта тилни биладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, ватанпарвар ўғлонлар — мустақиллик фарзандлари хизмат қилмоқда. Улардаги юртга муҳаббат, халқимизга ва Президентимизга содиқлик ҳисси қалбимизга ўзгача ифтихор бахш этади. Биз, ҳарбийларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳам беқиёс. Жумладан, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маиший шароитимизни яхшилаш борасида кўлами ва аҳамияти жиҳатидан жуда катта ишлар амалга оширилаяпти. Буни ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида ҳис этиб турибмиз. Бугун мен учун унутилмас кун. Давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ, шундай тантанали маросимда Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирландим. Билдирилган ишончга муносиб бўлиб, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида бор куч-ғайратимни сарфлайман.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида анъанага айланган танловга асосан, энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси, сержантлар тайёрлаш мактаби, мудофаа ишлари бошқармаси аниқланди. Тадбирда ана шу танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан “Жасорат” медали соҳиби, майор Исломиддин Норқобилов, “Мардлик” ордени соҳиби, кичик сержант Фарҳоджон Олимов, аскар онаси Малика Бекенова, халқаро тоифадаги ҳакам, ФИФА рефериси, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Равшан Эрматов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, шоира Энахон Сиддиқова ва бошқалар Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклаб, Президентимиз Ислом Каримовга ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Тантанали маросимда катта байрам концерти намойиш қилинди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



### Бизнес лойиҳа самараси

**Самарқанд**

Нарпай туманидаги “Давлатбек-Диёрбек сервис” оилавий корхонаси раҳбари Ирода Муродова янги бизнес лойиҳани рўёбга чиқарди. Шу тариқа Оқтош шаҳридаги деҳқон бозори ҳудудида 800 миллион сўм маблағ эвазига муҳташам савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Ҳозир бу ерда доимий даромад манбаига эга бўлган 16 нафар ходим томонидан аҳолига замонавий хизмат турлари тақдим этилаётир.

Ўтган йил давомида туманда хизмат кўрсатиш соҳасида 71 та шу сингари лойиҳа амалга оширилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Таннархи арзонлашди

**Сурхондарё**

Денов туманидаги “Акбар” хусусий корхонаси жамоаси қишлоқ жойларда намунавий лойиҳа асосида қурилаётган тураржойлар пойдевори учун сараланган тош ва қум етказиб беради. Яқинда бу ерда тижорат банкининг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига йилига 12 минг дона блок ғишт қуйиш цехи ҳам ишга туширилди.

— Янги бизнес-режамиз шарофати билан 10 та иш ўрни яратилди, — дейди корхона раҳбари Абдували Алимов. — Ҳозир жамоамиз сафига келиб қўшилган ёш мутахассислар кран ва турли механизмларни моҳирлик билан бошқармоқда.

Эътиборлиси, бу ерда тайёрланаётган қурилиш ашёси нархи турдошларига нисбатан бир мунча арзон. Боиси, хом ашё сифатида ишлатилаётган сараланган тош ва қум цех ёнидаги заводдан тўғридан-тўғри бетон қоригичларга келиб тушаяпти. Ўз навбатида, ташиш харажатлари тежалиб, иқтисод қилинган маблағ юқори сифатли цемент ва эҳтиёт қисмлар харидига сарфланаётир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Эллик турдаги металл жиҳозлар

**Фарғона**

Данғара туманидаги Мираҳмад Аҳмедов бошчилик қилаётган хусусий корхона металлдан халқ хўжалиги учун турли буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

— Яқинда кенг кўламли модернизациялаш ишларини амалга oширгач, маҳсулотларимиз тури кўпайди, — дейди корхона раҳбари. — Ҳозир 50 турдаги металл жиҳозлари орасида ғалла майдонларига минерал ўғит сепиш механизмидан тортиб, ер текислаш мосламаларигача бор. Айниқса, турли осори атиқаларни сақлаш учун мўлжалланган махсус сейф ҳамда коммунал хўжалик идоралари буюртмаси бўйича тайёрланаётган маиший қутиларимизга талабгорлар кўпаймоқда. Бу эса бизни янгидан-янги марралар сари руҳлантираяпти.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Демократик кучлар блоки:

# БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ПИРОВАРД МАҚСАД

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги қонуннинг айрим нормаларини бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш, асосий тушунчалар ҳақидаги нормаларни жорий қилиш, бухгалтерия ҳисобини ва молиявий бошқарувни амалга оширадиган масъул шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда вазифаларини мустаҳкамлаб қўйиш, бухгалтерия ходимлари касбий малакасига нисбатан қўйиладиган талабларни ва бошқа нормаларни тартибга солиш зарурати юзага келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда таъкидланганидек, амалдаги қонунга киритилаётган нормалар бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш масалаларида, иқтисодиётни модернизация қилишни рағбатлантириш асосида макроиқтисодий кўрсаткичлар ўсишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу, шубҳасиз, ҳисоб тизими кадрларининг малакаси ва тайёргарлик даражасига боғлиқдир. Айниқса, мазкур соҳани ўз вақтида ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ва уни тартибга соладиган ҳужжатларни такомиллаштириш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Тадбир иштирокчилари қонунчилик ташаббусига эга субъект томонидан “бухгалтерия ҳисоби” соҳасидаги айрим тушунчалар юзасидан нормаларни қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш, хусусан, “бухгалтерия ҳисоби” ва “бухгалтерия ахбороти” тушунчаларининг аниқ таърифларини белгилаш ўз вақтида ва тўғри таклиф этилаётганини таъкидладилар. Бу бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойилларининг янада тўлиқ очиб берилишини таъминлайди.

Блок аъзолари, шунингдек, қонун лойиҳасидаги бухгалтерия хизматлари раҳбарларига нисбатан талабларни ошириш орқали амалиётда уларнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилган нормаларни қўллаб- қувватладилар. Муҳокама давомида улар лойиҳада таклиф этилган бухгалтерия хизматлари раҳбарларининг малакасини ошириб боришни назарда тутувчи нормани фақат йирик корхоналарнинг, яъни мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказиладиган хўжалик субъектларининг бухгалтерия хизмати раҳбарларига нисбатан белгилаш лозимлигини айтиб ўтишди.

Қонунчилик ташаббусига эга субъект томонидан амалдаги қонуннинг аксарият нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилганини эътиборга олиб, блок аъзолари “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритган ҳолда, уни янги таҳрирда қабул қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдилар.

Йиғилиш якунида Демократик кучлар блоки нуқтаи назари ишлаб чиқилди ва масъул қўмитага қонун лойиҳасини такомилига етказиш бўйича тавсиялар тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Иқтидорли ёшлар тақдирланди

**АНЖУМАН**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида уюштирилган “Ёшлар — Ўзбекистоннинг ишончи, таянчи ва қудратли кучи” мавзуидаги тадбирда аниқ фанлар соҳасида улкан ютуқларга эришган бир гуруҳ ёшлар эътироф этилди.

Маънавият тарғиботчилари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, иқтидорли талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашган анжуманда эртамиз эгаларини миллий урф-одат ва анъаналар руҳида камол топтириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, билимини янада бойитиш, шунингдек, бугунги глобаллашув шароитида турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда аниқ фанлар бўйича ўз салоҳиятини кенг намоён этган ана шундай бир гуруҳ ёшлар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Иштирокчилар Тошкент шаҳридаги бир қатор илмий-маърифий муассасалар фаолияти билан танишди.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Испания нашри:

# «Ўзбекистоннинг давлат ва жамият ҳаётида маҳалла муҳим ўрин тутади»

Испанияда нашр этиладиган “La Gaceta” газетасида “Фуқаролик жамиятининг ўзбек модели” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда фуқаролик жамиятининг ноёб институти — маҳалла ҳақидаги атрофлича маълумотлар ўз ифодасини топган.

**ЭЪТИРОФ**

Мақолада таъкидланганидек, Ўзбекистон халқи асрлар давомида ўзини ўзи бошқаришнинг самарали механизмларини ўзида мужассам этган маҳаллаларда яшаб келади. У қадим замонлардан буён бир ҳудудда истиқомат қиладиган ва бир-бирларини ягона маънавий-ахлоқий, маданий қадриятлар, манфаат, анъана ҳамда урф-одатлар боғлаб турадиган одамларнинг уюшмаси бўлиб келган.

“Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг маҳалла маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик органи сифатида қайта тикланди. У бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Бу институт жуда кўп ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишида, жамиятда маънавий-ахлоқий қадриятларни асраш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш ва жамоатчилик тартибини қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этмоқда”, деб ёзади “La Gaceta”.

Нашр республикамизда маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани ва улар тобора мустаҳкамланиб бораётганини, унинг мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида муҳрлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаган. “Маҳаллалар одамлар манфаатларини ҳимоя қилгани ҳолда ижтимоий масалаларни ҳал этади”, дея ёзилади газетада.

Нашр ҳозирги пайтда Ўзбекистонда салкам ўн минг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатаётганини ҳам ўз ўқувчиларига маълум қилган. “Маҳалла катта ҳаётий ва ташкилотчилик ишлари тажрибасига эга, аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган энг муносиб фуқаролар орасидан икки ярим йил муддатга сайланадиган раис ва унинг маслаҳатчилари томонидан бошқарилади”.

Шунингдек, мақолада маҳаллалар фаолияти кўламлари тобора кенгайиб бораётгани тўғрисидаги маълумотлар ҳам қаламга олинган. Хусусан, бугунги кунда фуқаролик жамиятининг бу институти илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатига тегишли 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифаларни бажараётгани қайд этилган. Унда оила манфаатларини ҳимоя қилиш, аёллар ва болаларнинг иш билан таъминланишига кўмаклашиш, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, атроф-муҳитни муҳофазалаш ва бошқалар маҳалланинг муҳим вазифалари сифатида санаб ўтилган.

Юқоридаги далил ва рақамлардан келиб чиққан ҳолда, “La Gaceta” заминини бошқарувнинг демократик тамойиллари ташкил этган маҳалла Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятининг мустаҳкамланишига кўмаклашаётганини таъкидлайди.

Эслатиб ўтиш жоизки, Испаниянинг етакчи кундалик нашрларидан бири ҳисобланадиган “La Gaceta” газетаси мамлакатдаги йирик ва нуфузли “Intereconomia” медиа гуруҳининг тизимига киради.

**«Жаҳон» АА.**
Мадрид

### Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 24 йиллигига

# САДОҚАТ • ЖАСОРАТ • МАТОНАТ



**Миллий армиямиз ёшларимиз қалбида ана шу туйғуларни мустаҳкамловчи ҳаёт мактабидир.**

ИФТИХОР

Миллий армиямизни ҳар томонлама етук офицер кадрлар билан таъминлаш Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу боис мустақиллик йилларида юртимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида олий ҳарбий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Мусаффо осмонимиз қалқонлари



Пировардида замонавий ҳарбий билим ва техникани яхши ўзлаштирган, заковатли, стратегик фикрлай оладиган фидойи мутахассислар етишиб чиқаяпти.

Бунда Марказий Осиёда ягона бўлган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳозир бу ерда ҳарбий ҳаво кучлари ҳамда қуруқликдаги қўшинларнинг вертолёт авиацияси учун бешта мутахассислик бўйича офицерлар тайёрланаётир.

Айтиш жоизки, таълим сифати ва машғулотлар самарадорлигини оширишда муассасамизнинг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб бораётгани қўл келмоқда. Реконструкция қилинган ўқув бинолари, курсантлар тураржойлари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради. Мавжуд кафедралар, авиация мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курси ўқув хоналари илғор техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган. Махсус ҳамда умумҳарбий фанларни сифатли ўқитиш учун кўргазмали воситалар, ўқув қўлланмалари, электрон дарсликлар, учиш аппаратлари моделлари ҳамда аэродромларнинг макетларидан самарали фойдаланаяпмиз. Энг илғор тренажёрлар бўлғуси учувчиларнинг парвоздан олдин амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Қолаверса, замонавий лабораториялар, спорт заллари ва майдончалари, компьютер, симуляция ва моделлаштириш синфлари, электрон кутубхона курсантларимиз маҳоратини оширишда қўл келмоқда. Бинобарин, офицер кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш, мустақил илмий изланишлар олиб бориш, конструкторлик ва рационализаторлик ишларини ривожлантириш мақсадида ҳар бир кафедра қошида ҳарбий-илмий тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, муассасамизда машғулотларни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш диққат-эътиборимизда. Ўз навбатида, хорижий тиллар чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилаётгани курсантлар билимини мустаҳкамлаш баробарида, маҳоратини юксалтираяпти.

Олий ҳарбий таълим муассасамизни битириб чиққан офицерлар айни пайтда Ватанимиз ҳаво сарҳадларининг ишончли қалқонлари сифатида эл-юрт осойишталигига муносиб ҳисса қўшаётгани бизга чексиз ифтихор бағишлайди.

**Ҳайдарбек ҲАМДАМОВ,**
**Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти катта ўқитувчиси.**

## Билим ва маҳорат уйғунлиги

*Отабек Алиев Учқўрғон туманидаги 2-умумтаълим мактабининг битирувчи синфида таҳсил олади. Ёшликнинг бу палласида кўпчилик келажакда эгаллайдиган касби хусусида бир тўхтамга келиб улгуради. Чақириққача ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш дарси сабоқлари, ҳарбийлар ҳаётига бағишланган кўрсатувлар, миллий фильм ва сериаллар, қолаверса, йигитларни армияга кузатишга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимлар таассуроти Отабекда шу соҳага ҳавас уйғотди.*

ШИЖОАТ

Яқинда у ўқитувчиси ҳамроҳлигида бир гуруҳ синфдошлари билан сержантлар тайёрлаш мактабига борди. Муассаса фаолияти, ҳарбий хизматчилар билан ўзаро мулоқотлар қалбидаги истакни қатъий мақсадга айлантирди. Қайтар чоғида ўсмир устозига шундай деди:

— Мен, албатта, ҳарбий бўламан!

Дарҳақиқат, бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзусига айланган. Бу, шубҳасиз, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш йўлида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир. Жумладан, жорий қилинган янгича анъаналар туфайли миллий армиямизда сержантлар таркибини тайёрлашга эътибор кучайди. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларидан бугун ҳар томонлама билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан етук, жисмонан бақувват, иродаси мустаҳкам кичик командирлар етишиб чиқаяпти. Буни Шарқий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, тажрибали, янгича ўқитиш технологиясини пухта эгаллаган ҳарбий педагогик кадрларга, замонавий ўқув-техника воситаларига эга ушбу даргоҳда таълим самарадорлигини оширишда барча омилдан унумли фойдаланилаётир. Курсантларнинг машғулотлардан бўш пайтларида, шунингдек, мустақил тайёргарлик чоғида қўшимча сабоқ олишлари учун турли мавзудаги кўплаб адабиётлар ва электрон дарсликлар билан таъминланган кутубхона ҳам фаолият кўрсатаяпти.

— Мактабимизда кичик командирларнинг назарий ва амалий билимларни пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди майор Рустамжон Сайфуллаев. — Айтайлик, курсантлар умумий тактик машғулотларнинг назарий қисмини ўрганиш жараёнида жанговар ҳаракатларни компьютерлаштирилган дастур ёрдамида ўзлаштирадилар. Ҳарбий техникаларни ўрганишда эса ҳақиқийсидан қолишмайдиган тренажёрлардан фойдаланилади. Кейин эса дала машғулотларида кўникмалар амалий жиҳатдан мустаҳкамланади. Белгиланган ўқув жараёнини муваффақиятли ўтаган битирувчиларимиз жойларда шахсий таркиб билан ишлаш, аскарларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқтириш, уларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш йўлида хизмат қиладилар.

Мактабда кўрик-танловлар, тадбирлар ва спорт мусобақалари ўтказиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Уларда курсантлар ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар фаол иштирок этиб, тажриба орттиришмоқда.

— Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 24 йиллигини муносиб кутиб олаяпмиз, — дейди сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, подполковник Алишер Ширинов. — Ушбу сана олдидан бир гуруҳ ижодкорлар билан адабий учрашув ўтказдик. Шунингдек, спортнинг кўплаб турлари бўйича бўлажак сержантлар ўртасида мусобақалар уюштирдик. Умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг мактабимизга ташрифи ҳам қизиқарли кечди. Айём арафасида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларида юқори натижага эришган, ҳарбий интизомда сафдошларига ўрнак кўрсатаётган курсантлар алоҳида рағбатлантирилди. Уларнинг ота-оналарига миннатдорлик мактублари юборилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Фарзандим — бахтим, иқболим

*Ватанимиз осмони мусаффо. Халқимиз фаровон ҳаёт кечирмоқда. Ёшларимиз ўқиб, чуқур билим олишаяпти. Қарияларимиз эса кексалик гаштини суришмоқда. Шаҳару қишлоқларимизда бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари жадал давом этаётир. Буларнинг барчаси юртимизда Президентимиз раҳнамолигида тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар шарофатидандир.*

ДИЛ СЎЗИ

Чегараларимизни қўриқлаётган ҳарбийларимиз сафида ўғлим Хожиакбар ҳам бор. Фарзандим болалигиданоқ шу соҳага қизиқарди. Мактабда ва коллежда фанларни чуқур ўзлаштирди, спорт билан мунтазам шуғулланди. Бу мақсади йўлидаги дастлабки қадам — муддатли ҳарбий хизматга бориш учун белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтишида асқатди.

*Хожиакбар айни пайтда Андижон вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида йигитлик бурчини ўтаяпти. У ерга бориб, муддатли ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш имконига ҳам эга бўлдик. Машғулот хоналари, аскарларнинг яшаш жойлари озода, кенг ва шинам. Ўғлим янада куч-қувватга тўлибди. У ҳақда командирларидан илиқ гапларни эшитиб, ғурурланиб кетдим. Қисқаси, ҳарбий қисмдан кўтаринки кайфият билан қайтдик.*

Яқинда, Ватан ҳимоячилари куни арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлигида видеоконференция ташкил этилгани байрамга ўзига хос туҳфа бўлди. Ўғлим билан экран орқали дийдор кўришиб, суҳбатлашдим, айём билан табрикладим. Унинг тадбир қатнашчилари олдида “Онажон, армияда билимларимни янада мустаҳкамлаяпман. Насиб қилса, олий ҳарбий таълим муассасаларидан бирига ўқишга кираман, офицер бўлиб, Ўзбекистонимиз тинчлигини таъминлаш йўлида хизмат қиламан”, дея баралла айтган сўзини эшитиб, ниҳоятда севиндим. Ён-атрофимдагилар: “Яхши фарзанд тарбиялабсиз, барака топсин ўғлингиз!” дейишганида, кўнглим ширин ҳапқирди. Ахир ота-она учун фарзанди ортидан яхши фикр эшитиш, бу — катта бахт. Шубҳасиз, истиқлол ўғлонларининг ҳар бири ана шундай бахтиёрлик туйғусини инъом этишга қодир. Улар бор экан, юртимиз тинч, сарҳадларимиз мустаҳкамдир.

**Гулчеҳра МУСАЕВА.**
Тошкент шаҳри

## Юксак ишонч, чексиз ғурур

Ҳар қандай давлат куч-қудрати ва имкониятларига унинг армияси жанговар қобилияти ҳамда тайёргарлигига қараб баҳо берилиши, шубҳасиз. Чексиз фахр билан айтишимиз мумкинки, истиқлол йилларида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш йўлида олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли сарҳадларимиз дахлсизлиги, тинч ва осуда ҳаётимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминланган Қуролли Кучларимиз ташкил этилди.

ТАЪЛИМ

Унинг бундай нуфузга эга бўлишида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилгани, соҳага малакали кадрлар тайёрлаб бериш тизими тубдан такомиллаштирилаётгани муҳим ўрин тутаётир.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ана шундай етакчи таълим даргоҳларидан биридир. Ҳозирги кунда бу ерда бир қанча мутахассисликлар бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланаяпти. Курсантлар назарий билимларни профессор-ўқитувчилар ёрдамида ўзлаштириб, тактик ва амалий машғулотларда маҳоратларини оширмоқдалар.

— Кейинги йилларда моддий-техник имкониятларимизни янада кучайтиришга катта эътибор қаратилаётир, — дейди олий ҳарбий таълим муассасасининг шахсий таркиб билан ишлаш бўлими бошлиғи, подполковник Бобур Ражабов. — Замонавий жиҳозлар, ўқув қуролларига эгамиз. Таълим жараёни энг сўнгги русумдаги ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш ва симуляция воситалари, компьютер тренажёрлари ёрдамида олиб борилади. Тоғ тайёргарлиги учун махсус йўлак, картинг майдони, отиш ва техник тайёргарлик полигони, стадион, спорт зали, сузиш ҳавзаси, ахборот-ресурс маркази курсантлар ихтиёрида. Шу билан бирга, маънавий-маърифий йўналишдаги ишлар кўлами ҳам кенгайиб бораяпти. Булар, ўз навбатида, бўлажак офицерларнинг назарий ва амалий билимларни чуқур эгаллаши, техник ҳамда тактик шайлигини ошириш, энг муҳими, ҳақиқий ватанпарвар ўғлонлар бўлиб камол топишига хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, олий ҳарбий таълим муассасасида курсант ва ўқитувчи-офицерлар учун жаҳон андазаларига мос маиший шароитлар ҳам яратиб берилган. Ёшларнинг интеллектуал ҳамда жисмоний қобилиятини юксалтирувчи қатор тўгараклар, спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилган. Курсантларнинг маънавий дунёқарашини янада кенгайтириш мақсадида музейларга саёҳат, адабиёт, санъат арбоблари билан учрашувлар уюштириш, интеллектуал ўйинлар ўтказиш ҳам яхши анъанага айланган.



...Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари йўналиши бўйича таҳсил олаётган қашқадарёлик курсант Нодиржон Қаҳҳоров учун Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти бўлиш осон кечмади. “Ўшанда жисмоний тайёргарлигим панд бериб, тест синовларидан ўтолмаслигимга бир баҳя қолганди”, дейди у.

Орадан ўтган бир ярим йил уни бутунлай қайта тарбиялади, тоблади, чиниқтирди. Бугун ўзида аввалгиларга сира ўхшамайдиган куч ва иродани ҳис этаётган йигит яқинда назорат тартибида ўз жисмоний имкониятларини синовдан ўтказди. Натижа эса ажойиб!

— Бу ерда таҳсил олиш жараёнида олган илк хулосам шуки, ҳарбий либос кийиш, юрт ҳимоясига чоғланиш учун фақат иштиёқнинг ўзи камлик қиларкан, — дейди яна бир курсант, пойтахтлик Даврон Абдуллаев. — Бунинг учун катта интеллектуал ва жисмоний тайёргарликка, алоҳида руҳий-маънавий фазилатларга эга бўлиш талаб этилади. Чунки бугун Қуролли Кучларимизда хизмат қилиш шунчаки ҳавас эмас, чексиз ғурур, юксак масъулият ҳамдир. Мен халқимизнинг ана шундай фарзандлари билан бир сафда эканлигимдан фахрланаман. Етук ҳарбий бўлиш, халқимиз, Президентимиз ишончини оқлаш учун астойдил интилаяпман.

Мазкур даргоҳдан қайтар эканмиз, ана шундай мард, жасур ва ўктам йигитлар тимсолида мустақиллигимиз, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ишончли қўлларда эканига яна бир бор амин бўлдик.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ватан ҳимоячилари куни олдидан Мудофаа, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Бадиий академияси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Менинг армиям — менинг фахрим” деб номланган ижодий ишлар танловини ўтказиш анъанага айланган.*

ТАНЛОВ

### Менинг армиям — менинг фахрим

Тошкент Фотосуратлар уйида ушбу танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. 80 нафар муаллиф томонидан тақдим этилган 180 дан зиёд тасвирий ва амалий санъат намуналарида мустақиллик йилларида соҳада босқичма-босқич амалга оширилган ишлар тарғиб қилинган. Асарлари юқори баҳоланганлар ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир доирасида танлов иштирокчиларининг Ватан ҳимоячилари ҳаёти ва фаолияти акс этган “Менинг армиям — менинг фахрим” деб номланган кўргазмаси очилди. Унда ижодкорларнинг ватанпарварликни улуғловчи фото, графика, миниатюра, амалий санъат йўналишидаги ишлари намойиш этилмоқда.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 154 630 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5